Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 29 май, чоршанба • № 42 (10.817) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ КАВКАЗОРТИ САФАРИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 27 май куни Кавказорти сафарига жўнаб кетди. Президентимиз ўз сафари мобайнида Озарбойжон ва Грузия Республикаларига расмий ташриф буюради.

— Сафардан мақсад ушбу мамлакатлар билан ўрнатилган алоқаларни янада мустаҳкамлашдир, — деди Ислом Каримов Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида. — Озарбойжон ва Грузияга сафаримиз мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг янги истиқболларини белгилаб беради. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг дунё бозорига чиқиши учун янги йўллар очилади. Масалан, Грузиянинг Поти бандаргоҳи Ғарб ва Яқин Шарқ давлатлари билан савдо-сотиқ олиб боришда Ўзбекистон учун катта стратегик аҳамиятга эга. Айни пайтгача Ўзбекистон билан Грузия ўртасида ҳамкорлик борасидаги бир неча ҳужжатлар имзоланган. Лекин сафаримиз давомида мамлакатимиз билан Озарбойжон ўртасида бундай ҳужжатлар илк бор имзоланади. Ўзбекистон дунё бозорига тўғридан-тўғри чиқар экан, унга ишончли ҳамкорлар керак. Озарбойжон билан Грузия ана шундай ҳамкорлардан бўлиши мумкин.

Президент Ислом Каримовни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, С. Сафоев, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

ОЗАРБОЙЖОНГА ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЗАРБОЙЖОНГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Боку, 27 май. (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бугун расмий ташриф билан Озарбойжонга келди. Икки давлат байроқлари ҳилпираб турган Боку аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Аэропортда Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Президентлар Ислом Каримов ва Ҳайдар Алиев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Озарбойжон Давлат мадҳиялари янгради. Сўнгра Ислом Каримов ва Ҳайдар Алиев фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Озарбойжон давлатлари раҳбарлари аэропортда икки мамлакат расмий делегацияларининг бўлажак учрашуви ва музокаралари ҳақида журналистларга қисқача баёнот бердилар.

Ислом Каримов Озарбойжонга ташрифини хайрли тадбирдан бошлади. Юртбошимиз Бокудаги «Шаҳидлар ҳиёбони»ни зиёрат қилиб, бу ерда Озарбойжон мустақиллиги учун жон фидо этганлар ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон ва Озарбойжон давлатлари раҳбарлари Бокудаги Президент саройига келдилар. Бу ерда Ислом Каримов ва Ҳайдар Алиев ўртасида якка-якка мулоқот бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Озарбойжон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Ҳайдар Алиев Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш ҳақидаги ўндан зиёд ҳужжат ҳам имзоланди.

Ислом Каримов Боку давлат университетига ташриф буюриб, дорилфунун раҳбарлари, олимлар ҳамда ўқитувчилар билан учрашди. Бу ерда Ўзбекистон давлати раҳбарига Боку давлат университетининг фахрий доктори дипломи топширилди.

Шу куни Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шарафига қабул маросими уюштирди.

Озарбойжон сафарида Ўзбекистон Президентига мамлакатимиз Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Рустам Юнусов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилмоқда.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РУМИНИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Руминия Президенти Ион Илиескунинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 4-6 июнь кунлари расмий ташриф билан Руминияда бўлади.

ОЛИМПИАДАЧИЛАРГА ТУҲФА

Атлантада бўладиган ёзги олимпиада ўйинлари тобора яқинлашиб келаётган шу кунларда Халқаро Олимпия қўмитаси Ўзбекистон Миллий Олимпиада қўмитасига «Мерседес-Бенц» автомобилини совға қилиб юборди.

Халқаро Олимпия қўмитаси вакили Томас Бах бу совғани топширар экан, қўмита Президенти жаноб Антонио Самаранчнинг республикамиз олимпиадачиларига қилган бу инъоми мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ўтган тўрт йил мобайнида ўзбекистонлик спортчилар халқаро мусобақаларда қўлга киритган 1000 дан зиёд медаль ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг спорт ва олимпиада ҳаракатларини ривожлантириш учун кўрсатаётган жонбозлигининг мукофоти эканини таъкидлаб ўтди.

Германиядаги «Даймер-Бенц» концернининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Ульрих Фишер Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзиевга автомобиль ҳужжатларини топширар экан, Ўзбекистон ва Германия давлатлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирди.

Концернимиз ўттиз йилдан буён Халқаро Олимпия қўмитасига ҳомийлик қилиб келади, — деди Ульрих Фишер.

— Жаҳондаги спорт воқеаларини катта эътибор билан кузатиб борамиз. Ўзбекистон футболчиларини Хиросимада ўтказилган XII Осиё ўйинларида қўлга киритган ютуқлари билан табрикладик. Ўзбекистонлик спортчилар Халқаро Олимпия қўмитасининг совғаси сифатида бизнинг маҳсулотимизни биринчи марта олаётганидан ниҳоятда хурсандмиз.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов совға учун миннатдорлик билдириб, бу тадбир Халқаро Олимпия қўмитаси билан Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашини таъкидлади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН САМБОЧИЛАРИ ЖАҲОНДА УЧИНЧИ ЎРИНДА

Россияда самбо бўйича жаҳон кубоги учун ўтказилган мусобақалар тугади. Унда 15 давлат спортчилари иштирок этди.

Ўзбекистонлик спортчилар бу мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, умумкоманда ҳисобида бронза совринни қўлга киритдилар. Жаҳон кубоги россияликларга насиб этди. Беларус самбочилари иккинчи ўринни олди.

Мутахассислар 90 килограммгача бўлган вазнлилар орасида олтин медални қўлга киритган бухоролик самбочи Шуҳрат Хўжаевнинг маҳоратига юксак баҳо бердилар. 57 килограмм вазнли спортчилар орасида самарқандлик Фарҳод Хўжамов кумуш медални қўлга киритди.

(ЎзА).

1996 йил — Амир Темур йили

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

«Ўзэлектроаппарат» акционерлик бирлашмасининг Тошкентдаги бош корхонаси жамоаси кутлуғ сана — соҳибқирон юбилейига муносиб ҳисса қўшишга қарор қилди. Корхона июнь ва сентябрь ойларида — икки меҳнат кунида ишлаб топилган маблағни халқаро Амир Темур жамғармасига ўтказади.

Шу муносабат билан бу ерда тантанали йиғилиш бўлди. Унда таниқли тарихчи олим, мазкур жамғарма раиси Б. Аҳмедов, Шаҳрисабз шаҳар ҳокими А. Зайниддинов қатнашиб, буюк бобокалонимизга кўрсатилган эҳтиром учун жамоа аҳлига миннатдорлик билдирди.

Амир Темур номи билан боғлиқ ёдгорликларни таъмирлаш, янги иншоотлар бунёд этиш борасида мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хева ва Шаҳрисабзда ўнлаб ёдгорликлар қайта тикланаётир. Тошкентда улкан музей қад кўтармоқда. Бу эса катта маблағ ва ишчи кучи талаб этади. Республика ҳукумати, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси бунинг барча чоратадбирларини кўриб қўйган. Шундай бўлса-да, «Ўзэлектроаппарат» меҳнат жамоаси ташаббусида теран рамзий маъно бор: бу халқимизнинг тарихий қадриятларга, буюк аждодларимизга, асрий анъаналаримизга чексиз ҳурматидан, мустақил ватанимизда амалга оширилаётган хайрли ишларга ўз хиссасини қўшиш истагидан далолат беради. Шу маънода бу ташаббус мамлакатимиз бўйлаб кенг ёйилса, ажаб эмас.


ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон — Россия

ҚЎШМА КОРХОНАДА ГЕРМАНИЙ ЧИҚЯПТИ

«АНГРЕНЭНЕРГОРАНГЛИМЕТАЛЛ» корхонасининг айрим маҳсулотларига кейинги йилларда буюртмалар камайди. Ноёб металл ҳисобланган германий ҳам харидорларидан маҳрум бўлди. Вахоланки, бу қимматли металл нозик саноат технологияларида кўплаб ишлатилади. Шунинг учун ҳам корхона жамоаси ишлаб чиқаришни сақлаб қолди. Эндиликда бу ерда Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси барпо этилди ва иш бошлади. Германийга буюртмачилар дарҳол топилди. Ҳозир бундай металл Красноярскка етказиб берилмоқда. Бу маҳсулот ўзининг юқори сифати билан ажралиб туради. Шубҳа йўққи, бу металга бўлган буюртмалар сони бундан буён кўпайиб боради. Шуни ҳисобга олиб, корхонада бундай маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтириш назарда тутилмоқда. Эски печ ёнида иккинчи шундай қурилма барпо этилмоқда.

Б. ҚОРАБОЕВ.



Чиноз туманидаги марказий шифохона терапия бўлими мудири Турсунали Аширов беморларга ташхис қўйиш ва даволашда катта тажриба тўплаган. Суратда: Т. Аширов ультратовушли тадқиқот мосламасидан фойдаланмоқда.

Абдужалол РАҲИМОВ олган сурат.

БИР ҲАФТАГА ҚОЛАР-ҚОЛМАС...

Бу йил Куйичирчиқ тумани пиллакорлари 2500 қути уруғ боқиб, 115 тонна «кумуш тола» топширишга аҳд қилишган.

Пиллакорлар учун ҳал қилувчи палла бошлади. Ипак қурти даҳага кирди, ишлар ниҳоятда тиғизлашди.

— Ҳар қути уруғидан камида эллик килограммдан пилла топширмоқчимиз, — дейди туман бош пиллахона мудири Е. Номозбоев, — бир ҳафтага қолар-қолмас ҳосилни тера бошлаймиз.

Тумандаги Беруний, Улуғбек номли жамоа хўжаликларида 300 қутидан зиёд, «Янги ҳаёт», «Тошовул», «Пахтачи», «Юлдуз» жамоа хўжаликларида ҳам 200-250 қутидан ипак қурти боқилмоқда.

Чарос ЎСКАНОВА.

БОЛАЛАР УЙИ — ЭЛЛИК ЁШДА

ЧИРЧИҚДАГИ 14-болалар уйи ўзининг ярим асрлик тўйини нишонлади. Ана шу муносабат билан бу ерда байрам дастурхони ёзилди.

Турли йилларда шу ерда таълим ва тарбия олган, ҳозирда ўзлари бобо ва буви бўлган, сочлари оқарган собиқ тарбиячилар болалар уйи хоналарини айланишар экан, ёшликларини эслашди. «Мана бу дераза олдида мен ётганман», «Мана бу эса менинг краватим», «Ойнани синдириб қўйиб, мулзам бўлганинг эсингдами?» Шу мазмундаги савол жавоблар, ҳазил мутойибалар ила болалик йилларини эсга олишди.

Сўнгра катта концерт бўлди. Унда собиқ тарбиячилар ҳам қўшиқ айтиб, рақсга тушдилар. Шу куни болалар уйига шаҳар халқ таълими, «Электрохимпром», трансформатор заводи, «Ғунча» тикувчилик фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг совға-саломлари топширилди.

Йўлдош ҚОРАБОЕВ.

ЮРИНГ, БОЗОРГА БОРАЙЛИК!

Ангрен шаҳар ҳокимлиги бозорларни кенгайтириш, аҳолига савдо хизматини яхшилаш мақсадида Ангрен бозорида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Ҳадемай пиширқчилик бошланади. Бозорларимиз деҳқонлар етиштирган ноз-неъматлар билан тўлади. Сўзсиз уларни сақлаш учун салқин бинолар, савдо қилиш учун қулай расталар зарур бўлади. Савдо-сотиқ учун яхши шароит яратилса маҳсулот ҳам, харидор ҳам кўпаяди. Бозор эса файзли ва арзон бўлади. Буни яхши тушунган бозор маъмурияти қовун-тарвузларни жойлаштириш учун 50 метрдан зиёд узунликдаги майдончани мавсумга тахт қилиб қўйди. Бир нечта расталар, дўконлар қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Қўшимча озиқ-овқат дўконларини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Айни кунларда бозор ҳудудида «Дилшод» фирмасининг 9 та, Ангрен савдо-харид уюшмасининг 5 та, «Бахт» хусусий корхонасининг эса 7 та дўкони аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Теша ШЕРАЛИЕВ.

Ғалла мустақиллиги учун

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ғаллага ўроқ тушишига саноқли кунлар қолди. Мутахассисларнинг фикрича, бу йил ғалла мустақиллигига асосий пойдевор қўйилади. Далаларда шунга яраша ҳосил бор. Ғалдаги вазифа етиштирилган донни нобудгарчиликсиз, тез ва қисқа фурсатда ўриб-йиғиб олишдан иборатдир.

25 май куни Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раҳбарлигида ўтказилган сим орқали кенгашда ана шу долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ўрим-йиғим техникасини мавсумга пухта ҳозирлаш, ғаллакорлар учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш, бўшаган майдонлар ўрнига такрорий экинлар экиш, ҳосил нобудгарчилигига йўл қўймаслик энг муҳим масалалардир. Шуни айтиш керакки, Тошкент вилояти ғаллакорлари ҳам бу масъулиятли мавсумга яхши тайёргарлик кўрмоқдалар. Таҳририятимизга туманлардан, хўжаликлардан ғалладан мўл ҳосил етиштирилганлиги ва уни ўриб-йиғиб олиш юзасидан қилинаётган ишлар тўғрисида ахборотлар келиб турипти. Қуйида эълон қилинаётган материаллар ана шу мавзуга бағишланган.

ТАРАДДУД

КУЗ ва эрта баҳорда ғаллага меҳр қўйиб, яхши ишлов берсангизу, бироқ, охирги сувда сал ҳафсаласизлик қилсангиз, ҳосилдан ютқазиб қўйиш ҳеч гап эмас. Сабабки, охирги сув вақтида қўйилса, экинлар қондириб суғорилса, бундай майдонлардаги ғалла бошоқлари тўқ ва шиғил бўлади.

Янгийўл туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги деҳқонлари буни ўз тажрибаларида жуда яхши синаб кўрганлар. Шунинг учун ҳам улар айни кунларда 715 гектарлик майдондаги ғаллазорга охирги сув қўйишни ғоят синчковлик билан ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Сувчилар доим сергак туриб, ҳар бир пайкалдаги буғдойларнинг қониб сув ичишини таъминламоқдалар.

Бугина эмас, хўжаликда бошқа агротехника тадбирлари ҳам ўз вақтида ва маромида ўтказилганлиги учун мавжуд майдонлардаги ғаллазорлардан камида 40 центнердан ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун зарур тайёргарлик кўриб қўйилди. Хўжаликдаги комбайнларнинг ҳаммаси таъмирланиб, қайта текширилиб, синаб кўрилди. Ҳозир комбайнлар ўримга шай. Комбайнчилар эса ўз зиммаларига аниқ мажбуриятлар олган ҳолда ўримнинг бошланишини кутиб турибдилар.


Айниқса, ижарачилардан Бўриқўзи Исмоилов, Ҳолбек Бобоёров далаларидаги ғалла ҳосили кўзни қувонтиради.

— Ўтган йили бизда ҳам ўрим анча чўзилиб кетган эди, — деди жамоа хўжалиги раиси Абдуманнон Ўсканбоев, — бу йил эса қандай бўлмасин, ўримни узоғи билан 20-25 кун ичида тугаллашга ҳаракат қиламиз.

Хўжаликда бундан ташқари 120-гектар майдонда шоли етиштириляпти. Экиш ўз вақтида тугалланди. Олди далаларда шоли униб чиқди ва биринчи ишловга киришилди. А. Г. Шек, И. Синлар бошлиқ пудратчи — ижарачиларнинг шолизорларида иш, айниқса, қизғин бораётир. Улар ҳар гектар ердан 45—50 центнердан ҳосил олишга ваъда берганлар.

Носир РИХСИЕВ.





Ўртачирчиқ туманидаги А. Икромов номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси 610 гектар майдонда ғалла етиштирмоқда. Бу ерда айни пайтда ўрим-йиғимга пухта тайёргарлик кўрилаётир. Суратларда: уюшма ижарачиси (юқорида) М. Ҳолмирзаев, ҳисобчи Р. Ушинбоев ва уюшма раиси Ф. Маматқулов етиштирилган ҳосилни кўздан кечирмоқдалар. Пастдаги суратда эса ушбу уюшма комбайнчилари ота-бола Зулфикор ва Комилжон Мирзаевларни кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Комбайнлар буғдой ўримига шай

Баҳор эпкинида оҳиста чайқалаётган ям-яшил буғдойзорга боқиб май ойи охирлаб қолганлигини кўнгилдан ўтказасан. Демак, ўрим яқин. Унга тайёргарлик кўриш керак.

Чиноз туманидаги «Эшонобод», «Янгиобод», Т. Эрназаров, С. Раҳимов номли жамоа хўжаликларида ўрим комбайнларининг мавсумолди кўриги бўлди. Мутахассислар эшонободликлар мавсумга пухта тайёргарлик кўрганликларини қайд этишди.

«Эшонобод» жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 440 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, жами 1686 тонна ғалла ҳосили олишни мўлжал қилишган.

Алибек Дониёров, Қорақул Қобулов, Қалин Тўлегенов, Рустам Фозилов, Абдуаҳад Саидкаримов каби комбайнчилар ғалла ўримини нобудсиз, уюшқоқлик билан ўтказиш ниятидалар.

Ҳамроқул СУЛАЙМОНОВ.

БОННДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲАҚИДАГИ КИТОБ ТАҚДИМНОМАСИ

Эскиликни ўзлаштириб олган ва янгиликни англашга қобил киши устозлик, йўлбошчиликка муносибдир, деган эди Конфуций.

Эскилик — шўро тузуми кирдикорларидан зада бўлган ва янгилик — ислоҳотлар йўлини тутган навқирон давлатлар раҳбарлари орасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовни халқимиз муносиб йўлбошчи деб билаётгани, жаҳон жамоатчилиги буюк ислоҳотчи сифатида тан олгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистоннинг ўзига хос йўлини ишлаб чиққан ҳамда бу ислоҳот дастурини муваффақиятли равишда амалда татбиқ этишга бош-қош бўлаётган Президентимиз нафақат Ўзбекистон балки Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги ибратли, оқилона сиёсий фаолияти туфайли қисқа фурсат ичида назарга тушди, бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли ташкилотларнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди, бир неча йирик халқаро академияларга фахрий аъзоликка сайланди. Яқинда германиялик таниқли ҳуқуқшунос олим Леонид Левитин ҳамда БМТ консультанти, Гарвард университети профессори Дональд Карлайл республикамиз Президенти фаолияти ва Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар тадқиқига бағишланган китоб яратдилар. Китоб Австрияда инглиз, немис ва рус тилида чоп этилди.

23 май куни Германия Федератив Республикасининг Бонн шаҳрида Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ва «Германия-Ўзбекистон» жамияти ташаббуси билан ана шу китобнинг тақдимоти бўлди.


Тақдимот маросимида ГФР парламенти аъзолари, вазирликлари раҳбарлари, фан ва маданият соҳасининг кўзга кўринган арбоблари, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари вакиллари, шунингдек, дипломатия корпуси аъзолари, журналистлар қатнашди.

Маълумки, Германия жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида ўз салмоқли ўрнига, нуфузига эга мутараққий давлатдир. Айни дамда ГФР дунёнинг деярли барча тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлари, обрўли халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги изчил, серқирра ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётгани сабабларини, аввало, ўзаро иқтисодий манфаатдорлик, қолаверса, ҳар икки мамлакатнинг халқаро ҳаётдаги долзарб масалалар юзасидан қарашларининг яқинлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, ГФР раҳбарияти Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, республикада амалга оширилаётган сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллигини юксак баҳоламоқда.

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг ГФРга ва Германия Федерал Президенти Р. Герцогнинг Ўзбекистонга ўтган йилги ташрифлари мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликнинг кенгайишига, ўзаро ишонч ва дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига муҳим омил бўлди.

1993-1995 йиллар мобайнида Германиянинг «Даймлер-Бенц», «Сименс», «Алкатель», «Йена-Оптик», «Просаг», «Крупп», «Тиссен» каби кўплаб концернлари Ўзбекистон бозорига кириб келди ҳамда икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли кооперацияни бошлаб берди.



Ҳозирги пайтда Тошкентда ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида Германиянинг 28 та компанияси ваколатхоналари очилган, бешта йирик қўшма корхона ҳамда аралаш сармояли 50 та кичик ва ўрта корхона мавжуд. Умуман, Ўзбекистон бозорида 600 дан зиёд Германия фирма ва компаниялари фаолият кўрсатаяпти.

Икки мамлакат ўртасида маданий-маърифий соҳада ҳам алоқалар яхши йўлга қўйилган. Штутгарт шаҳрида ўтказилган «Буюк ипак йўли» халқаро кўргазмаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Германияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар ва малака ошираётган илмий ходимларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айтиш керакки, бу жабҳадаги муваффақиятларда мамлакатларимиз ташкилотлари айниқса, 1994 йилнинг апрель ойидан фаолият кўрсата бошлаган «Германия — Ўзбекистон» жамиятининг ҳиссаси беқиёсдир.

Германия техникавий ҳамкорлик жамияти эса Ўзбекистонда ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш жабҳасида хизмат қилаётир. Тошкентда ўз ваколатхонасига эга бўлган Конрад Аденауэр фонди ҳам ўзаро ҳамкорлик борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Шу маънода Бонндаги гўзал ва мухташам биноларидан бири Германиянинг биринчи канцлери Конрад Аденауэр номидаги саройда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов фаолиятига бағишланган китоб тақдимотининг ўтказилиши ҳам мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликка интилаётганидан яна бир далолатдир.

Тақдимот маросимини Германиянинг таниқли сиёсат арбоби, Бундестаг депутати, «Германия — Ўзбекистон» жамияти раиси Вольф Бауэр очди.

Расмий маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев сўзга чиқди.

— Мазкур китобнинг биринчи бўлиб немис тилида чоп этилиши тасодифий ҳол эмас, — деди С. Сафоев. — Бу китоб Германия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат, дўстона муносабат ва истиқболли ҳамкорлик муҳитининг ўзига хос ажиб маҳсули деб ўйлайман. Мазкур асар йирик сиёсий арбоб шахсига, Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар жараёнига холисона, янгича қарашлар асосида ёндашилган муҳим тадқиқотдир.

Ислом Каримов Ўзбекистонда ижтимоий ва иқтисодий танглик авж нуқтасига чиққан бир даврда давлат раҳбари бўлди. Ўша кезларда иқтисодиётни маъмурий-буйруқбозлик йўли билан бошқаришнинг, шунингдек, коммунистик мафкура ва давлатчилик амалиётининг оғир асоратлари, кескин экологик вазият, девор-дармиён мамлакатлардаги нотинчлик аҳволни янада кийинлаштирган эди.

Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистон Президенти танлаган энг тўғри йўл китобда атрофлича тадқиқ этилган.

Китоб муаллифларининг тадқиқотлари яна шуниси билан қадрлики, унда Президент Ислом Каримов шахси мунтазам ҳаракатда, дунёқарашидаги ўсиш ва юксалиш билан уйғунликда таҳлил этилган. Ислом Каримовнинг ақидапарастликдан ҳоли, алмисоқдан қолган хулосалардан йироқ сиёсатчи сифатида ўз замонасининг сиёсий арбобларидан ажралиб туриши унинг кучли жиҳатларидан бири экани китобда асосли кўрсатиб берилган.

Китобда таҳлил қилинган жараёнлар нафақат миллий, балки умумбашарий аҳамиятга моликдир. Дарҳақиқат, бугунги кунда айрим мамлакатлардагина эмас, бутун дунё микёсида янгиланиш жараёни бормокда.

Жамиятдаги соғлом кучларни жипслаштира олган, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий барқарорликни таъминлай билган ҳар қайси мамлакатнинг тажрибаси алоҳида диққатга сазовордир, деди пировардида С. Сафоев.

Маросимда таниқли сиёсат арбоби, ЕХҲТ парламенти ассамблеясининг Вице-Президенти, Бундестаг депутати Вилли Виммлер, Германия ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлари бўйича бўлим раҳбари Энно Баркер, ҳуқуқшунос олим, китоб муаллифи Леонид Левитин, Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги Фавкулодда ва Мухтор элчиси Алишер Шайхов ва бошқалар сўзга чиқди. Улар Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлиги истиқболлари, Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар жараёни, республикамиз тараққиётининг янгича стратегик йўналишлари ҳамда Президент Ислом Каримов ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳияти билан жаҳон жамоатчилигини кенгроқ таништиришда «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китобининг аҳамияти хусусида фикр юритдилар.

Тақдимотнинг ниҳоясида «Ўзбекистон ёш истеъдодлари» камер оркестри ижросида концерт намойиш этилди. Ўзбекистонлик таниқли рассомлар асарларининг кўргазмаси ҳам меҳмонларда яхши таассурот қолдирди.

«Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китобининг Бонндаги тақдимот маросими республикамиз Германия ва умуман, жаҳон ҳамжамияти билан янгича муносабатлар, илғор ҳамкорлик йўлини танлагани ҳамда бу йўлдан дадил одимлаётганини яна бир карра намоён этди.

Ғулом МИРЗО, (ЎзА).
Бонн шаҳри.

ИШЧАНЛИК РУҲИДА

Вилоятимизда ўз-ўзини бошқариш идораларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этмоқда

ШУ кунларда вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида фуқаролар ўз-ўзини бошқариш идораларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Хусусан, Пискент туманидаги фуқаролар йиғини ва маҳаллаларда ўтаётган йиғилишларда сўнгги йиллар ичида амалга оширилган ишлар, ҳал этилган ижтимоий муаммолар, бозор иқтисодиёти шароитида кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш билан боғлиқ масалалар қандай ҳал этилаётганлиги тўғрисидаги фикрлар очиқ ойдин баён қилинаётир.

Фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар қўмиталари кейинги йиллар ичида ўз фаолиятларини кучайтирдилар.

Сўнгги пайтларда маҳаллаларда хусусий дўконлар, маиший хизмат шохобчалари кўпайди. Янги иш жойлари барпо этилди. Аҳолидан тушадиган аризалар, шикоятлар билан ишлашда тезкорлик сезила бошлади.

Хусусан, биз қатнашган Керовчи қишлоқ фуқаролар йиғини мажлисида ҳам ана шу масалалар хусусида гап борди. Бу идорага қарашли маҳаллалар фаоллари аҳоли истиқомат жойларини газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлашга жиддий эътибор бердилар. Ҳисобот даври мобайнида Сағана, Суюртепа, Тошқишлоқ маҳаллалари тўлиқ газлаштирилди. Янгиобод қишлоғига эса газ қувурлари тортиш бошлаб юборилди. Бир неча йиллардан бери Эвалак маҳалласи ичимлик сувига ёлчимасди. Аҳолининг бу борадаги эҳтиёжи қондирилди. Мазкур маҳаллага электр қуввати келтириш масаласи ҳал қилинди.

Анча йиллардан буён қишлоқ аҳолиси экология соҳасида ўзининг бир қатор талабларини юқори идораларга маълум қилиб келар, лекин мурожаат самарасиз қолаверарди. 316 гектар майдондаги Олмалиқ кон металлургия комбинатининг чиқиндиси шамол бўлганда чанг-тўзонга айланиб қишлоқ ҳавосини булғаб келарди. Туман ҳокимлиги фуқаролар йиғинининг бу борадаги мурожаатини жиддий ўрганиб чиқди. Тузилган махсус комиссия баённомаси Республика Олий Мажлиси депутатига маълум қилинди. Биргаликдаги ҳаракатлар зое кетмади. Эндиликда экологик холатни яхшилаш муаммоси билан тегишли илмий тадқиқот институтлари шуғулланмоқда.

Керовчи фуқаролар йиғини ҳисоботида унинг раиси аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан анча ишлар қилинганлигини сўзлаб берди. Йиғин фаолиятида Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларидан келиб чиқиб, белгилаб олинган тадбирлар кутилган натижаларни берди. Қишлоқда бир неча бор ҳашар йўли билан ободончилик ишлари бажарилди. Янги маиший хизмат шахобчалари очилди. Бу ишга тадбиркорлар ҳам жалб этилди. Хусусан, Янгиобод қишлоғида тадбиркор Аскарали Хўжабоев орттирган фойдасига пойафзал таъмирлаш устахонаси, сартарошхона, қассобхона, чойхона ва бошқа қатор дўконлардан иборат гузар қуриб берди. Тадбиркорнинг бундай саховатидан аҳоли миннатдор.

Йиғилишда сўзга чиққанлар фуқаролар йиғинининг юртбошимиз фармони асосида кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти хусусида ҳам тўхталдилар. Бу иш изчил йўлга қўйилганлигини алоҳида қайд қилдилар. Ҳисобот даври ичида Керовчи фуқаролар йиғини худудидаги 484 оилага 1 миллион 318 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Қишлоқларда турмуш маданиятини юксалтириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда фуқаролар йиғинларининг аҳамияти катта бўляпти. Бу борада фуқаролар йиғини ўзининг мақсус режасига эга. Бу ерда тўйлар, таъзия маросимларини ихчам ўтказиш маҳалла оқсоқоллари томонидан қатъий назорат қилиб борилмоқда. Қатор хонадонларда тўйларга, таъзияли маросимларга сарфланган харажатлар таҳлил этилди. Эндиликда тўйларда ортиқча харажатларга йўл қўйилмаяпти. Маросимлар ихчам ўтмоқда.

Фуқаролар йиғини ҳисобот йиғилишида йўл қўйилган камчиликлар хусусида ҳам гапирилди. Холмат Норматов, Ашир Ўсаров каби маҳалла оқсоқоллари, Қурбонқул Ҳайдаров, Абдураим Рисбоев сингари участкалар фахрийлар кенгашларининг раислари, шунингдек, Исліддин Ҳайдаров номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Раҳматжон Соипов ва бошқалар қишлоқда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмаслиги, гузарлар барпо этишдаги сусткашликлар, қатор маҳаллаларда ҳамон ободончиликка етарли эътибор берилмаётганлиги тўғрисида тўхталдилар. Шунингдек, Обид, Гортепа, Жалойир участкаларида аҳолини тоза ичимлик суви билан ҳамда газ билан таъминлаш ёмон аҳволда эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ислиддин Ҳайдаров номли жамоа хўжалиги марказида гузар қурилиши режалаштирилганига қарамай, бу ишга ҳамон киришилгани йўқ. Жой эса аллақачон ажратилган.

Тиббий хизмат кўрсатиш борасида белгиланган тадбирлар ҳам тўлиқ амалга ошмай қолди. Хусусан, ҳозирги вақтда Керовчи тиббий амбулаторияси, «Сағана» фельдшерлик пункти, «Дўстлик» фельдшерлик-акушерлик пункти қўшимча хоналарга муҳтож. Улар жойлашган хоналар эса бир неча йиллар давомида таъмирланмаган.

Сўзга чиққанлар Керовчи қишлоқ фуқаролар йиғини ана шу масалаларга жиддий эътибор бериши зарур, дея таъкидладилар. Ваҳоланки, бу ишларни амалга ошириш учун туманда ўрганса арзийдиган тажрибалар бор. Хусусан, Оқтепа қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги мактаб ва шифохоналарни таъмирлашни фермерлар оталиққа олишган. Бу ташаббусни керовчиликлар ҳам ўзларида оммалаштиришса яхши бўларди.

Йиғилишда Эргаш Абдуллаев Керовчи қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига қайта сайланди.

Саидазим ШАРОФХОНОВ,
Тошкент вилояти ҳокимлиги ташкилий бўлимининг мутахассиси.

«Мустақиллик даври матбуоти»

ЙИЛНИНГ ЭНГ ИЛҒОР ТАҲРИРИЯТИ, ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси матбуотни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва республика Журналистлар уюшмаси «Мустақиллик даври матбуоти» шиори остида «Йилнинг энг яхши журналисти», «Йилнинг энг илғор таҳририяти» танловини ўтказади.

Танловда республика, вилоят, шаҳар, туман газеталарида, шунингдек, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, телевидение ва радио журналистлари, таҳририят жамоалари қатнашишлари мумкин. Танловга тақдим этилаётган таҳририятлар фаолияти, мақолалар Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, янгича миллий тафаккурни бойитишга қаратилган бўлмоғи, юксак маҳорат ва истеъдод талабларига жавоб бериши билан аҳралиб турмоғи керак. Танловга тақдим этилган ижод намуналарига таҳририят жамоасининг қарори ва мухтасар тақризи илова қилинади. Танлов мақолалари 2 нусхада Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарувига (700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй) 1996 йилнинг 1 декабрига қадар юборилиши лозим. Голиблар 1997 йил арафасида матбуотда эълон қилинади.

Танлов ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланадилар:

1. Журналистлар учун:

Биринчи мукофот (тўртта) — ҳар бири 10000 сўм.

Иккинчи мукофот (бешта) — ҳар бири 7000 сўм.

Учинчи мукофот (бешта) — ҳар бири 5000 сўм.

2. Республика, вилоят, шаҳар, туман ва кўп нусхали газета таҳририятлари учун:

Биринчи мукофот (бешта) — ҳар бири 10000 сўм.

Иккинчи мукофот (тўққизта) — ҳар бири 7000 сўм.

Учинчи мукофот (олтита) — ҳар бири 5000 сўм.

3. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, телевидение ва радио ижодкорлари учун:

Биринчи мукофот (иккита) — ҳар бири 10000 сўм.

Иккинчи мукофот (иккита) — ҳар бири 7000 сўм.

Учинчи мукофот (тўртта) — ҳар бири 5000 сўм.





ТЎЙТЕПАДА МЕҲНАТ БОЗОРИ

24 май куни Тўйтепа шаҳрида «Бўш иш жойлари кўргазмаси» бўлиб ўтди. Унда туманнинг бир қатор ташкилот, корхона вакиллари, раҳбарлар, мактабларнинг битирувчилари иштирок этиб, янги иш жойлари билан танишдилар.

Шу кунинг мавзуида

— Меҳнат биржаси билан ҳамкорликда иш юритаётганлигимиз яхши самара беряпти, — дейди туманда фаолият кўрсатаётган «Анатекстил» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасининг раҳбари Виктор Пак. — Шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 70 нафардан кўп йигит-қизни тикувчилик касбига тайёрладик. Ҳозирда улар корхонамизда ўз малакаларини оширяптилар. Бугун ўтказилаётган тадбирнинг ўзидаёқ саккиз киши корхонамизда меҳнат қилиш истагини билдирди.

Ҳақиқатан ҳам бундай тадбирлар аҳолини меҳнат, иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Меҳнат бозорида яқингинада касб-ҳунар эгаллаб, ишли бўлган ёшлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар — пайпоқ, болалар ва эркаклар кўйлаклари, мавсумларга мослаб тикилган ҳар хил ўлчовдаги кийимлар кўргазмаси буни исботлаб турипти.

— Аввало «Бўш иш жойлари кўргазмаси»ни ўтказишга пухта тайёргарлик кўрдик, — дейди туман меҳнат биржасининг директори Валижон Мадумаров. — Тумандаги ўнга яқин ишлаб чиқариш корхонаси, иккита қўшма корхона, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маиший хизмат соҳасидаги бўш иш ўринлари қайтадан ўрганилиб чиқилди. Барча жамоа хўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ оқсоқоллари бугунги тадбиримиздан барвақт хабардор қилинди. Шунинг учун яхши натижа беряпти. 1996 йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 222 нафар киши бўлимимизга мурожаат қилиб, шундан 190 нафари иш билан таъминланди. 34 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилиб, нафақа тўланмоқда. 36 киши касбга қайта ўқитилди. Бугуннинг ўзида 35 киши ишга жойлашиш учун йўлланма олди. Мурожаат қилган 264 кишига эса зарур маслаҳат берилди.

— Вилоятимизда бўш иш ўринлари кўргазмасини шаҳар ва туманларда тез-тез ўтказиб туришни режалаштирганмиз, — деди вилоят меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармасининг бўлим бошлиғи Ортиқбой Каримбоев. — Бугунги тадбирда тизимимизнинг қўшни туман ва шаҳар раҳбарлари ҳам иштирок этишиб, ютуқ ва камчиликларни, тажрибаларни ўрганишяпти.

...Уч-тўрт йил муқаддам меҳнат бозори деган жумлани эшитганда кўпчилик елка қисарди. Эндиликда бу ибора халқ орасига сингиб кетди. Бундай тадбирларни ўтказишдан бош мақсад ҳам кишиларни ишга жойлаштириш, касбга қайта тайёрлаш, ёшларни ҳунарга ўқитиш-ўргатиш орқали ижтимоий ҳимояни кучайтиришдир.

Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
СУРАТДА: меҳнат бозоридан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Фармон ва ижро

КРЕДИТНИ ЎРНИДА САРФЛАНГ

ёки вилоятимизнинг айрим тадбиркорлик тузилмаларида «Бизнес-фонд» кредит қарзларидан фойдаланишдаги суиистеъмолликлар хусусида

Ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётини барпо этиш жараёни жадал давом этмоқда. Бундай ишларнинг кўлами ва қамрови тобора кенгайиб бормоқда. У халқ хўжалигининг барча тармоқларида акс этаяпти. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бошқа барча йўналишлар қатори ҳамон давом этмоқда, янги-янги ҳиссадорлик жамиятлари, қўшма ва кичик корхоналар, ширкатлар ва бошқа шу каби хўжалик юритишнинг янги-янги шакллари пайдо бўлмоқда, хусусий мулк эгалари табақаси таркиб топмоқда.

Албатта, уларнинг дастлабки қадамлари осон бўлмаяпти, янгича ишлашнинг ўзига яраша машаққатларига дуч келишмоқда. Бу табиий албатта. Хўжаликни юритишнинг жамоа ва хусусий мулкчилигига асосланган бу янги шаклини мустаҳкам жиловлашнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун мамлакатимизда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, сёққа туриб олишига кўмаклашишга катта аҳамият бериляпти. Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари Президентимиз фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг кўпдан-кўп қарорлари шунга қаратилгандир.

Бу соҳада, айниқса, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш асосий вазифаси бўлган «Бизнес-фонд»нинг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Республикамиз Президентининг махсус Фармони билан ўтган йили барпо этилган бу фонд қисқа муддат ичида — дастлабки ойлардаёқ ўзининг давр талабига, тадбиркорлар эҳтиёжига мослигини кўрсатди. У ўзининг ниҳоятда кам фоизли кредит маблағларини тадбиркорларга қарзга бериш билан уларнинг мустаҳкамланишларига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Биргина ўтган йили республика «Бизнес-фонд»ининг видоят бўлинмаси кредитларидан ўнлаб тадбиркорлик тузилмалари баҳраманд бўлдилар. Вилоят шаҳарлари ва туманларида фаолият кўрсатишга бел боғлаган йигирма беш тадбиркор шундай имтиёзли кредитдан фойдаланди. Уларга ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, уни кенгайтириш, янги бўлинмаларини яратиш учун берилган жами маблағ ҳажми деярли ўттиз саккиз миллион сўмни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган мулкдорлар ёки уларни сафига қўшилиб, халқ истеъмоли товарлари чиқаришни йўлга қўйишга ахд қилган янги тадбиркорлар моддий ёрдам сўраб «Бизнес-фонд»га мурожаат қилмоқдалар. Жорий йилнинг ўтган дастлабки ойларида тадбиркорларга берилган кредит пули ҳажми қирқ уч миллион сўмдан ошиб кетди. Ҳаммаси бўлиб тўққиз ишбилармон шундай кредит маблағларини олдилар.

«Бизнес-фонд»нинг кредит маблағлари ишлаб чиқаришнинг устивор йўналишлари, биринчи навбатда халқ истеъмоли товарлари, қишлоқ хўжалик махсулотлари ва маҳаллий ҳом ашёни қайта ишлаш, бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш, маҳаллий саноат каби тармоқларга ажратиляпти. Бу фонд ташкил этилганидан бери ўтган қисқа вақт мобайнида қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланишга ахд қилган тадбиркорларга салкам етти миллион сўм кредит берди. Фермер хўжаликларини ривожлантириш режаларини амалга оширишга киришган олти нафар фермер олган маблағлари билан таъминландилар.

«Бизнес-фонд» берган кредитлар имтиёзлилиги, фоиз миқдори давлат ва тижорат банклари кредитларига нисбатан бир неча баравар камлиги ҳамда узоқ муддатга мўлжалланганлиги билан ажралиб туради. Бундай кредит маблағларини бир йилдан ўн йилгача муддатга олиш мумкинки, ҳар йили тўланадиган фоизи миқдори эса 15 дан 35 фоиз оралиғидадир. Айтиш мумкинки, ҳеч бир банк шунчалик кам фоиз билан кредит пули бермайди. Шунинг учун ҳам уни имтиёзли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун жуда қулай ва уларга кўп нафи тегади, деб айтиш учун барча асос бор.

Шундай имтиёзли кредитлардан оқилона фойдаланаётган тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу маблағлар ҳисобига вилоятимизда тўрт юзтага яқин янги ишчи ўринлари барпо этилди ва ёки барпо этилмоқда. Қурилган янги ишлаб чиқаришларда халқ истеъмоли буюмлари тайёрлана бошлади. Ҳозирги вақтда шундай кредитлар эвазига ўн бешта катта-кичик объектларда қурилиш ва асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Янги иншоотнинг барча ҳужжатлари тайёрлангач кредит сўраб «Бизнес-фонд»га талабнома билан мурожаат қилди. Янги лойиҳани амалга ошириш учун тўрт юз минг сўмлик кредит кераклиги асосланди. Бу хайрли иш эди, аҳолига савдо хизматини яхшилашга хизмат қиларди. Шу томони ҳисобга олиниб, фирманинг кредит маблағи ажратиш ҳақидаги илтимосини қондиришга қарор қилинди ва сўралган миқдордаги маблағ унга ажратилди.

Кредитдан қандай фойдаланаётганлиги текшириб кўрилганда кутилмаган ҳолат аниқланди. Савдо мажмуини барпо этиш учун берилган маблағ тамомила бошқа мақсадлар учун сарфланганлиги маълум бўлди. Бу маблағнинг ўндан тўққизга яқини, яқинроғи 338,6 минг сўми яхна ва спиртли ичимликларни сотиб олиш учун ажратилипти. Пул эса бундай мақсад учун берилмаган эди, шартномада бундай ҳол умуман назарда тутилмаганди. Тўғри бундай ичимликларни олиб-сотиш фирмага фойда келтирган бўлиши мумкин, лекин зарур бўлган объект қурилса янада яхши бўларди. Ундан кўпчилик наф кўрарди, аҳолига кўрсатилаётган савдо хизмати ҳажми ҳам, кўлами ҳам кенгаярди. Бунинг устига фирма кредит фоизларини ҳам вақтида тўламаяпти. Ҳозирги кунга келиб фирманинг бундай қарзи юз минг сўмни ташкил этиб турипти.

Шунга ўхшаш нохуш мисолни Ўртачирчиқ туманидан ҳам келтириш мумкин. Масалан, тумандаги «Янги турмуш» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси раҳбарлиги ўтган йилнинг июлида «Бизнес-фонд»га мурожаат қилиб, пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун бир миллион сўм кредит маблағи беришни илтимос қилган эди. Унинг бу илтимоси қондирилди. Нақд кредитни олганидан кейин ўз билгича иш тутишдан бош тортмади, қилинган писандани инобатга олмади. Кредитнинг қоқ ярмини бошқа мақсадга сарфлаб юборди. Унинг беш юз минг сўми қишлоқ хўжалик махсулотларини харид қилиш учун ажратилди.

Бўстонлиқ туманидаги «Мурод» кичик корхонасининг бир хайрли иши ҳам қўллаб-қувватланган эди. Унинг раҳбарлиги новвойхона қуриш режаси борлигини маълум қилганида илтимосига қарши бормади. Бунинг учун сўралган маблағ — 800 минг сўм кредит ажратилди. Бу пулнинг 50 минг сўми спиртли ичимликлар олиш учун ишлатиб юборилган. Бундай ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Масъулиятни ҳис қилмасликнинг ёрқин мисоли дейилса хато қилинмаган бўлади.

«Илҳомбек» кичик корхонаси раҳбарлиги эса колбаса ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бир миллион сўм кредит олиб, унинг муайян миқдорини бошқа ишларга сарфлашга йўл қўйган. Жумладан 143,3 минг сўмини солиқ бўйича қарзларни узиш учун ажратган. Юкоричирчиқ туманида жойлашган бу кичик корхона маъмуриятининг бу иш услубига Паркент шаҳрида ҳам дуч келинди. Бу ердаги масъулияти чекланган «Турсунхўжа» жамияти 300 минг сўм имтиёзли кредит олиб ҳаммаси шартномада назарда тутилган мақсадлар учун эмас, балки банкда депозит учун берилган. Ҳозирга келиб ушбу маблағнинг ҳаммаси тўла қайтариб олинди.

Бўка туманидаги «Ҳосил» фермер хўжалиги раҳбарлиги ўтган йил охирларида фермер хўжалигини кенгайтириш мақсади билан икки ярим миллион сўм кредит пули олган эди. Бу маблағнинг анчагина қисми назарда тутилган тадбир учун сарфланмаган. Чунончи, бир миллион сўмдан ошиқроғи турли корхоналарга молиявий ёрдам сифатида, вексел учун ва шу каби бошқа мақсадларга харажат қилинган. Бу фермер хўжалигидан ҳам мақсадсиз фойдаланилган кредит маблағи пули тўла қайтариб олинди.

Кредит сифатида маблағлар аниқ бир тадбир учун ажратилади. Бунда унинг муҳимлиги, зарурлиги, давр талаби ва бошқа шу каби омиллар ҳам ҳисобга олинади. Обдон тарозига солиб кўрилади, шундан сўнггина нима учун ишлатилиши олдиндан шарт қилиниб ажратилади. Албатта, вақти-вақти билан кредитлардан қандай фойдаланилаётганлиги текшириб борилади. Шу туфайли кредит маблағларини ишлатишда юқорида кўрсатилгани каби камчиликлар, ўзбошимчаликлар ўз вақтида аниқланиб, уларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилмоқда. Шундай бўлгач, бундай имтиёзли кредит олган тадбиркорлар ундан фойдаланишда белгиланганидан четга чиқмасликлари керак. Акс ҳолда умуман бу фонднинг имтиёзли кредитларидан маҳрум бўлиш, турли хил жазо чоралари олиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган фирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳатти-ҳаракатлари ўзининг тегишли баҳосини олиш учун маъмурий идораларга ҳавола этилди, ҳамда кредит маблағларини муддатидан олдин қайтариб олиш чоралари кўрилмоқда. Бу кимга зарару, кимга фойда? Ҳеч кимга фойда келтирмайди, аксинча биринчи навбатда, ўзбошимча тадбиркорнинг ўзига зарар келтиради, айни вақтда, аҳоли фаровонлигини кўтариш учун амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятига ҳам путур етказиши мумкин. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

Муаммо — *мулоҳаза* — *таклиф*

Ҳаммамиз ҳам Оллоҳнинг бандасимиз. Дунёга келиб, вояга етиб, ўз қобилиятимиз, иқтидоримизга яраша бирор ишнинг бошини тутиб яшаймиз. Лекин, умум ишига қўшадиган ҳиссамиз ҳар хил бўлади. Унинг баракаси, салмоғи ўзимизга, ҳаракатимизга, кайфиятимизга, тўғриоғи, тан-жонимизнинг соғлиғига боғлиқдир.

Соғлиғимизнинг яхши-ёмонлиги эса қандай шароитда яшаётганлигимиз, муҳими, атроф муҳитнинг софлигига, табиатга боғлиқ.

Донолар айтишадики, она табиатнинг асоси тўрт унсурдир, сув, ҳаво, тупроқ ва нур. Ана шу тўрт унсур соғлом бўлса ва биз унга қоришиб ва йўғрилган насибамизнинг тегишлисидан, буюрганидан баҳра ола билсак, шундагина соғ яшаймиз, касаллик нималигини билмаймиз. Шунинг учун ҳам оқилу-фозиллар бирор хасталик рўй берса, унинг дорисини табиатдан излайдилар.

...Эсимда, биз ёш бола эдик. Эрталаб туришимиз биланоқ оналаримиз катта баркашга солинган ёнғоқ, магиз, туршак, жийда билан бизни меҳмон қилардилар. Бу ҳол ҳар куни такрорланарди ва биз кун бўйи қорнимиз очганлигини ҳам билмасдик, касалликдан йироқда бўлардик.

Афсуски, аста-секин дастурхонимиздан ана шу ноз-неъматларнинг қут-баракаси уча бошлади. Бунга ўзимиз айбдор бўлдик. Совет тузуми «куч-қувват»га тўлган сари наботот дунёсини ўз ҳолига қўймовчилар, ундан ўз билгиларича фойдаланадиганлар кўпайиб борди. Мевазор боғ-роғлар пайҳон қилинди. Бунинг устига олтинга тенг тупроқдан унинг имкониятидан ҳам ортиқ ҳосил олиш ниятида турли хил заҳар-заққум, кимёвий дориларни ишлатишни кенг одат қилдик. Бу, албатта, ернинг таркибини бузди, экологик номутаносиблик юзага келди. Етиштирилаётган маҳсулоту ноз-неъматларнинг сифати бузилди.

Лекин, биз бунга эътибор бермадик, айбни деҳқонга, ерга тўнкадик.

Бунинг оқибатида мева-чевалар кескин камайиб кетди. Унинг ўрнини қанд-қурс, ҳар хил ширинликлар эгаллади. Биз кўпроқ ана шу маҳсулотларни истеъмол қилишни маъқул кўрдик. Бу киши организмига таъсир қилмасдан қолмади, мутаносиблик бузилди. Экологик соф, беғубор мева-чевалар эса танқис бўла бошлади.

Лекин, минг шукрки, мустақилликка эришганимиздан сўнг раҳбарларнинг саъй-ҳаракати билан бу соҳадаги «ўзбошимчалик»ларга чек қўйила бошланди. Боғ-роғларни кенгайтиришга астойдил киришилди. Одамларга ер; томорқа берилди. Ижарачилар, пудратчилар боғ-роғларни кўпайтиришга ҳисса қўша бошладилар. Натижада, бозор пештахталарида келтириб сотилаётган хўл меваю, қуруқ мевалар анча кўпая бошлади.

Лекин, энди бошқа бир ҳолат юзага келди. Бозор иқтисоди эмасми, хориждан келтириладиган ҳар хил ялтир-юлтур қоғозларга ўралган шоколадлар-у конфет ва ширинликлар кўпайгандан кўпайиб кетди. Бу, яхши. Лекин, бизнинг назаримизда, баъзан бундай ширинликларни истеъмол қилиш, бундай ноз-неъматлар билан ўзимизни, айниқса, фарзандларимизни сийлашда ортиқча суиистеъмолчиликка йўл қўймаяпмизми?

Демоқчимизки, ҳар бир ишда бўлганидек, бундай маҳсулотлардан фойдаланиш, истеъмол қилишда ҳам меёр бўлиши керак. Бу ширинликлар ҳақиқатан ҳам соғлиғимизга фойдалими, йўқми, тўла маънода мулоҳаза қилиш зарур! Кўпроқ эса ўзимизда етиштирилган, турли дармондориларга бой мева-чеваларни истеъмол қилишимиз маъқул эмасми?!

Мен шу ҳақда кўп ўйлайман. Узоқ йиллар давомида бир оддий ўзбек қаламкаши сифатида кўпроқ қишлоқ хўжалик масалаларини ёритиш билан шуғулланиб келганлигим учунми бу масала ниҳоятда долзарбдек туюлади. Шунинг учун ҳам деҳқон бозорини айланганда пештахталардаги мева-чеваларни кўриб ғоят қувонаман.

Кўпинча ўзимга-ўзим савол бераман. Республикамиз боғ-роғлар ўлкаси бўлса-ю, кўнглингиз тусаб ниҳоятда иштаҳа билан истеъмол қиладиган бундай ноз-неъматларни нега фақатгина деҳқон бозоридан олишимиз мумкин?

Бунда не сир-синоат бор? Ана шу савол мени Эски жува деҳқон бозорида савдо қилаётган бир неча деҳқонлар билан мулоқот қилишга ундади.

БОҒЛАР САҲОВАТИ АСЛИГА ҚАЙТСИН

Ўлкамизда боғ-роғларни кенгайтириш, «дармондори» неъматлар етиштириш, уларни қайта ишлаш масалалари хусусида





«МОЙБУЛОҚ»НИНГ МАГИЗИНИ ЕМАБСИЗ...

— Мен Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани «Мойбулоқ» хўжалигидан Орол Зокиров бўламан. Хўжаликда меҳнат қилиш билан бирга ўзимизга тегишли бир гектар ерда бутун оиламиз билан кишмиш навли узум етиштирамиз ва ундан магиз тайёрлаш билан шуғулланиб келаяпмиз. Маҳсулотимиз ниҳоятда ширали ва сифатли.


— Агар сир бўлмаса, магизни тайёрлашдаги тажрибангиздан гапириб берсангиз.

— Нега сир бўларкан, — деди у, — магиз икки хил: офтоби ва сояки бўлади. Номидан кўриниб турипти, офтобиси офтобда қуритилади, соякиси сояда. Шу денг, шу соҳа билан машғул бўлганимиздан сўнг эринмаймиз-да! Сомон билан сувалган махсус супалар тайёрланади, тахминан 15-20 сентябрлардан бошлаб узум узилади ва олиб келиниб, бошларини бир-бирига суянтириб супаларга териб чиқилади. Сўнг 15-20 кун давомида уларга қўл тегизмайсиз. Кейин ички томонни ташқарига қилиб ағдариб чиқамиз. Шу тариқа бу ҳосил қирқ кун туради, тегилмайди ва офтоби тайёр деяверинг. Қуриган бошлардаги магизни бирма-бир қўл билан ишқалаб, силкитиб тушириб оламиз.

Соякининг иши бироз қийинроқ: болахона томи шифер билан ёпилган бўлади. Деворларнинг шифер тагидаги қисми тўрт томони сомон билан суваб чиқилади ва ҳаво кириб туриши учун ҳар 30 метрда уч-тўрттадан туйнук қолдирилади. Узум бошлари олиб чиқилиб, махсус каноп — ипларга бандидан эмас, аксинча узум бошларининг таг томонидан осилади. Ана шунда ғужум доналари худди мажнунтол сингари пастга эгилиб, ёйилиб туради, ҳавони яхши ўтказадиган бўлади. Шу аснода узум бошлари камида икки ой туради. Бундай усулда тайёрланган майиз ғоят ширали, хуштаъм, юмшоқ бўлади, тўрт кило узумдан биро кило магиз тушади. Бизда дейлик, 55-60 сотих узумзордан камида икки тонна магиз олиш мумкин. Бу тайёр маҳсулотнинг бир қисмини тайёрлов идораларига келишилган нархда сотсак, қолганини ўзимиз олиб қоламиз, шахсан мен ўзим бир йилда икки марта июнь ва март ойларида шаҳрингиз бозорига келиб, майиз сотиб кетаман.

ЮРАГИНГИЗГА ҚУВВАТ ВА МАЛҲАМ

— МЕН Мамасоли Мирзааҳмедов, — деб ўзини таништирди йирик ва бир текисда донадор туршак сотаётган деҳқон, — Фарғона водийси Мингдон қишлоғи «Ҳақиқат» жамоа хўжалигида истиқомат қиламан. Каттагина томорқамиз бор. Ана шу томорқанинг салкам 25 сотих майдонида турли навдаги испарали, абрикос, мирсанхон, субхони, қайтали сингари навли ўриклар етиштирилади. Ҳар тупидан ўртача 700-800 килограмм ҳосил оламиз. Навига қараб ҳар хил туршаклар тайёрланади. Халқимиз, айниқса, кексалар севиб истеъмол қиладиган қора туршак асосан субхонидан тайёрланади. Қандай қилиб дейсизми, ҳозир айтиб бераман. Бу маҳсулот ширасини йўқотмаслиги учун, аввало, ўрик пишиб ўтиб кетмаслиги, аксинча, хомроқ бўлиб ҳам қолмаслиги керак. Раҳматли отам кўп тайинлардилар: ўғлим, хушёр бўлиб қараб тургин. Ҳар куни эрталаб барвақт, эринмай ўрикзорни айлан, агарда битта туп дарахтдан тагига 20-25 та ўрик тўкилган бўлса, билингки, ўрик пишиб етилибди. Дарҳол қоқиб олиб, туршак қилишга киришавер.



Усули эса оддий. Қоқилган ўрик ҳосили бўйраларга ёйилиб қуритилади ва сўнгра бу туршаклар қопларга: ҳар бир қаватига ялпиз солиб жойланади. Сўнгра бу қоплардаги туршаклар махсус уйдаги сўриларга тахлаб чиқилади. Сўри тагидан ҳар 10-15 кунда олтингугурт тутатилиб, димланади. Бундай йўл билан тайёрланган қора туршак ичига қурт-қумурсқалар ораламайди ва уни икки-уч йилгача қантдек сақлашингиз мумкин. Айримлар сариқ-туршак, баргакларни олтингугурт сувига ботириб олинган, деб ўйлашлари мумкин. Асло ундай эмас. Гап шундаки, бундай туршаклар олтингугурт тутунига беш-олти кун димланиб тайёрланади. Айримлар ўйлагандек олтингугуртнинг зиёни йўқ. Аксинча, озгина миқдордагисининг инсонга фойдаси ҳам бўлади.

— Ўрик ҳосилини бир текис ва чиройли бўлиб етилиши, касал тушмаслиги учун қандай парвариш қилиш керак?

— Кунт, ихлос керак. Айримлар ўрикни экиб, катта қилиб олгач, ўзи ҳосил беради: деб ўйлашса, хато қиладилар. Ортиқча, қуриган шох-шаббаларни вақти-вақти билан олиб туриш керак. Лекин, асло ўрикка арра солмаслик лозим. Ота-боболаримиз кераксиз шохларини болта билан чопиб қирқиб ташлаганлар. Сабаби, дейишади улар, ўрик шохлари арра билан қирқилса, дарахт танаси қизийди, қийналади ва «соғлиги»га путур етади, елим чиқариб юборади. Бунинг ўз навбатида ҳосилга таъсири салбий бўлади.

НЕГА ХАНДОН ПИСТА ДЕЙМИЗ?

ҲАМЁНИНГИЗ кўтарса дастурхонингизда ёнғоқ, писта-бодом бўлганига не етсин! Айниқса, хандон пистани айтмайсизми.

— Хўш, хандон писта қанақа дарахт ўзи ва унинг ҳосили қачон пишади, маҳсулоти қандай тайёрланади.

Бу саволимизга Андижон шаҳридан келиб, бу ерда савдо қилаётган Аъзам Қаҳҳоров шундай деб жавоб берди:

— Бу дарахт асосан тоғли минтақаларда: Арслонбобо, Кўчқорота, Бўстонлиқ томонларда, тоққа яқин ерларда ўсади. Ота-боболаримиз уни томорқа — уй шароитида ўстириб кўришга ҳам ҳаракат қилганлар. Лекин, ҳосил ололмаганлар. Жуда ажойиб дарахт бу. Ҳосили дарахт шохларида худди узум бошларига ўхшаб шовул бўлиб осилиб туради. Пўсти юпқа. Август охири ва сентябрь бошларида пишиб етилади. Айримлар хандон пистани битта-битталаб қўлда чақиб оғзини очишса керак, деб ўйлашади. Чунки баъзилар бу дарахтнинг қандай дарахт эканлигини яхши билмайдилар-да! Менинг ўзим бир куни, ҳозир эсимда йўқ, қайсидир китобни ўқиб қолиб, ҳайрон бўлдим. Хандон писта қозонда қовурилгач, унинг оғзи очилиб кетади, деб ёзишибди. Аслида ундай эмас, аввало, дарахт устида ҳосили етилиб, пишгандан сўнг узиш керак. Ана шунда турган жойнинг ўзида оғзи очилиб қолган бўлади.

Биз шаҳарда турамиз. Тайёрловчилардан эмасмиз. Узиб олинган маҳсулотни харид қилиб олиб, сўнг уйда бутун бола-чақамиз билан биргалашиб, маҳсулот тайёрлаймиз. Бу бизга, яъни хандон пистафурушлик ота касб. Ҳайрон бўлишингиз мумкин, шу ҳам касб эканми, деб. Тайёр пистани оласизу қовурасиз, қийини борми?! Кошки эди шундай бўлса. Машаққати кўп бу касбнинг. Нега дейсизми?! Мана, қаранг, бир килосида 2 минг дона писта бўлади. Ярмисининг оғзи очилган бўлса, ярмиси юмуқ бўлади. Ана шу юмуқларини ажратиб олиб, уни бир соат илиқ сувга солиб ивитиб қўйилади. Юмшагач, сўнг болғачани олиб битта-битта чақиб оғзи очилади. Айтишга осон бу. Лекин, бизнинг касби-коримиз бўлганлиги учун шунга мослашиб уста бўлиб кетганмиз. Худди сизларнинг машинкада ёзадиган аёлларингиз сингари. Бор-ку, уларнинг ичида шундайлари. Кўзи бошқа ёқда, оғзи гапдан бўшамайди, лекин, қўлининнинг ўзи ҳаракатда бўлиб, ҳарфларни териб жой-жойига қўйиб кетаверади. Биз ҳам агар таъбир жоиз бўлса, шундай ҳаракат қиламиз, сиз билан бемалол гаплашиб, уёқ-буёққа аланглаб, болғачани «ўйнатиб» ишимизни қилаверамиз. Ана, энди хандон пистанинг оғзини очиб олдингиз. Уни қовуриш ҳам ҳунар. Кўргандирсиз, баъзи хандон писталар хол-хол бўлиб туради. Бунинг сабаби бор: қозонга оз-оз солиб, тез-тез айлантириб қовурсангиз, хол тушмайди, мазаси ҳам антиқа бўлади. Каррак бўлиб оғзи очилади: одамлар худди хандон ташлаб кулгандек. Эҳтимол, шунинг учун бу пистани хандон писта деб аташса керак.

Энди мен сизга айтсам, хандон писта кўп ҳосиятли неъмат.



Оз-оз тановул қилиб турсангиз, бош оғриғини қолдиради, мияни равшан қилади, яхши ухлатади. Бундай ўйласам, қарияларимизнинг билгани билган экан. Ёшлигимизда кўрардик. Киссаларига бир-икки ҳовуч хандон писта солиб олган отахонлар ўзлари эрмак қилиш билан бирга болаларга ҳам улашиб юришарди.

...Ўша куни раста айланиб, ёнғоқ, бодом сотаётган боғбон деҳқонлар билан суҳбатлашдик: Ёнғоққа қурт тушмаслиги, пуч бўлиб қолмаслиги учун нима қилиш керак, бодом қандай ерларда яхши ўсади, ҳосил беради: ёнғоқ гулига ҳашарот капалаклари ўтирса куя бўлади. Шу туфайли дори сепиб туриш, жуда бўлмаса тагида тўпланиб қолган хашак-хушакларни ёқиб, тутатиб турилса ҳам фойда қилади. Баъзилар бизнинг вилоятимизда бодом яхши бўлмайди, дейишади. Бу гапда жон бор. Бодом кўпроқ иссиғи мўътадил, баҳаво ерларни ёқтиради. Совуққа йўқроқ.

* * *

БИЗНИНГ қуруқ мева, унинг таъриф ва тавсифи ҳақидаги мулоҳазаларимизни ўқиб, айримлар бу ноз-неъматларнинг яхшилигини ўзимиз ҳам биламиз, мунча мақтамасангиз, нархи қиммат-да, деб айтишлари мумкин. Бизнингча, ундай деб айтиб бўлмайди. Бозор-да, ўнни кўриб бирини танлаб оласиз. Сотувчи — деҳқон ҳеч вақт магазиндагилардек икки оёғини бир этикка тиқиб, фалон сўм, олсангиз олинг, бўлмаса йўқ, деб туриб олмайди. Ваҳоланки хориждан келтирилган ялтир-юлтир шоколадлару, айрим конфетларининг донасини 10-15 сўмдан сотиб олиб, фарзандларимизга едираяпмизку! Бунинг ўрнига уларни бир қисм сархил магизу, тўйимли туршак билан сийлаб турганимиз афзал эмасми?! Магиз еган боланинг юзига қизиллик югуради. Туршак доимо ични юриштириб туради. Бу соғлиққа, қолаверса, боланинг ақлий қувватини шаклланиши учун турган-битгани фойда-ку! Нега била туриб биз бу фойдадан «қуруқ» қолишимиз керак?!

АЙБ КИМДА?

Растани айланиб, савдо қилаётганлардан қаердансизлар деб сўраймиз. Улар асосан Фарғона водийсидан, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Наманган тарафлардан келиб савдо қилишаётганлигини айтишади. Шунда беихтиёр савол туғилади. Нега бизнинг вилоятимиздан савдо қилаётганлар кам? Ёлғон бўлмасину, паркентликлар онда-сонда магиз олиб келиб сотишяпти. Бошқа туманлардан деярли ҳеч ким йўқ, десак бўлади. Хўш, нега? Биз ана шу савол билан вилоятдаги айрим деҳқонлар, мутахассисларга мурожаат қилдик. Улар ҳар хил фикрни айтишди. Баъзилари ўзимизга егуликка етишмаяпти-ку, дейишди. Айримлар эса шаҳарга яқин турамиз-да, экологик муҳит бузилиб кетди, мева-узумлар касалланиб, яхши ҳосил бермаяпти, дейишди. Лекин бу гапларга тўла қўшилиб бўлмайди. Австралиялик боғбон-олимнинг вилоятимиз боғ-роғларини айланиб чиқиб, билдирган мулоҳазалари ҳам буни тасдиқлаб турипти. У бошини сарак-сарак қилиб: эссиз боғ-роғлар, дарахтларнинг соғи кама, депти.

Шундай бўлгач, улардан олинаётган ҳосил ҳақида нима ҳам дейиш мумкин. Менинг билишимча, ҳафа бўлманглару, одамларингиз ниҳоятда дангаса, танбал бўлиб қолишибди. Менга минг гектар узумзорни байлашиб бермайсизларми, дебди, у ҳазил аралаш, ўзим қараб, ана шу жойдан олинадиган узум, магиз билан бутун дунёни таъминлаган бўлардим.

Меҳмон ҳақ эди. Бизда қоғозни, ҳисоботларни қарасангиз қанчадан-қанча гектарлар, майдонларни боғ-роғлар эгаллаганлигини, жуда кўп фермерлар боғдорчилик билан шуғулланаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Лекин, минг афсуски, меҳмон айтганидек, ана шу боғ-роғларга яхши қаралмаслиги, ўз вақтида дориланмаслиги, озиқлантирилмаслиги туфайли касалликка чалинтириб қўйилади. Албатта, бу аҳволда мазкур майдонлардан олинган ҳосил юқорида мутахассиснинг айтганидек, егуликка зўрға етади-да! Уни қуритиб, мева қилиш ҳақида эса гапирмай қўяқолайлик.

Меҳмон одамларингиз лоқайд, дангаса деганида минг бор ҳақ. Диққат билан айлансангиз, кузатсангиз, тажрибаларини ўргансангиз қизиқ ҳамда ачинарли манзаранинг гувоҳи бўласиз. Битта туманнинг ўзида битта ҳудудда бир деҳқон мевадан ниҳоятда баракали ва сифатли ҳосил олаётган бўлса, унинг қўшниси бор боғларини ҳам йўққа чиқариб, қуритиб, сийраклаштириб, арзимаган ҳосил олаяпти. Чунки биринчисининг эгаси бор, у мулкдор. Иккинчиси эса қаровсиз, ҳақиқий эгасини топмаган.

Бу ҳам майли-я. ҳар йили не-не машаққатлар билан тайёрланган сархил мева кўчатлари сотиб олинади. Боғ-роғларни кенгайтирамиз, деб экадилар. Лекин вақтида қарамайдилар, қуриб қолади. Келгуси йилда эса яна ўша ерга катта маблағ эвазига сотиб олинган кўчатларни олиб келиб экадилар. Ахир бу ерни исроф қилиш, деҳқон меҳнатини оёқости қилиш эмасми? Қани, бу ўринда агрофирмаларнинг хизмати, улар қаёққа қарашяпти ёки шунча ерда янги боғ қилдик, шунча кўчат экдик, деб ҳисобот бериш билан иш битади, қоладими?!

Қачонгача бу лоқайдлик давом этади? Ахир бизнинг вилоятимизда ҳам тажрибакор боғбон, деҳқонлар бор-ку! Бўстонлиқ, Паркент, Янгийўл, Қибрай, Тошкент туманларида, хусусан, Отажонов номли, «Халқобод», «Қибрай» хўжаликлари боғ-роғларида етиштирилаёган мева, узумларнинг сифати водийда етиштирилаётган мевалардан қолишмайди. Нега бу хўжаликларнинг боғбонлари, фермерлар қуруқ мева етиштириш билан чинакамига шуғулланмаяптилар. Ёки уларда водийликлар билан яхши маънода рақобат қилишга иштиёқ, тажриба йўқми»!

Биз ҳам ҳаракат қиляпмиз, дейишади улар. Лекин бу гаплар шунчаки кўп ҳолларда гап бўлиб қолади-да. Пишиқчилик пайтда вилоятимизда узумчиликка, мевачиликка ихтисослашган ҳудудларни айланганимизда ҳали яхши пишиб етилмаган ёки «чиқинди» узумлар, ўрикларни олдиндан тайёрлаб қўйилган жойлар бўлмагани учун дуч келган ерга, баъзан асфальт устига ёйиб қўйилганлигини кўрганмиз. Албатта, бундай аҳволда сифатли қуруқ мева олиб бўлмайди.

Ваҳоланки бизда ҳам имкониятлар бор. Бу ишни саноат асосида ҳам йўлга қўйиш мумкин. Шредер номли узумчилик, боғдорчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тажрибаси бундан далолат беради. Машҳур соҳибкор, академик Маҳмуд Мирзаев бу ҳақда гапириб бизда айрим навдаги узумлардан тайёрланган магизларга ҳозирнинг ўзидаёқ хорижий мамлакатларда харидор бор. Улар қанча бўлса валютага сотиб олишади, деган эдилар.

Афсуски, бу илмгоҳ тажрибаси яхши ўрганилмаяпти, кенг ёйилмаяпти. Ишбилармонлар, тадбиркорлар «Сиз бир ёндан бўлсангиз биз бир ёндан», дейишмаяпти. Ахир вилоятимизда нима кўп, турли хил фирмалар кўп-ку! Очиғини айтадиган бўлсак, уларнинг айримлари бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланиш ўрнига бировнинг дўпписини олиб, бошқа бировга кийдириб «тирикчилик» қилиш билан шуғулланмоқдалар. Нега уларнинг фаолиятини ана шу асосий мақсадга йўналтириш мумкин эмас?! Қани, бу ерда туман деҳқончилик-саноат уюшмаларининг роли, назорати, ёрдами?!

ДЕҲҚОНГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДАСИЗ?

Деҳқон-сотувчининг психологияси шундайки, у ўзи етиштириб тайёрлаган маҳсулотини савдо қилишда бир жойга муқим ўрганиб қолса, доимо ўша жойга келиб, савдо қилишни маъқул деб билади. Шунинг учун унинг йўлида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак. Тўсиқ бўлса, безиб қолади, бошқа йўлни қидиради. Демоқчимизки, деҳқонни-сотувчини бўлар-бўлмасга текшириб, унинг тинчини бузадиганлар бўлмаслиги керак. Лекин, бу билан ҳаммани ўз ҳолига ташлаб қўйиш керак, демоқчи эмасмиз. Вақти-вақти билан текшириб туриш ҳам керак. Бозор кўпчилик билан бозор. Деҳқонларга қандай шароит яратиб берилганлиги, тартиб-қоида бузиляптими, йўқми? Буни ўрганиб, бу ҳақдаги мулоҳаза, фикр, маълумотларни тўплаб, бошқариш шунга мослаб олиб борилса, айрим нотўғри ҳатти-ҳаракатларнинг олди олиб турилади. Бўлмаса тўрт-беш сотувчи «уюшиб» олса, бегонани яқинлаштирмайди, йўлатмайди. Оқибатда нарх-наво қимматлашса қимматлашадики, арзонлашмайди. Текширувдан мақсад ана шундай бўлишига йўл қўймаслик, деҳқон маҳсулотини зўрлаб олиб қолиб, уни чўмичда қоқадиганларнинг пайини қирқишдир!

Яна бир муҳим масала ҳақида мулоҳаза: деҳқон қайси ҳудуд, қайси вилоятда бўлмасин, не-не машаққатлар билан маҳсулот етиштириб, қуруқ мевани тайёрлаб олгач, уни бозорга қоп-қанорларга жойлаб, катта миқдорда кира қилиб олиб келади. Шу ўринда савол туғилади. Нима учун жойларнинг ўзида деҳқон тайёрлаган маҳсулотлар: қуруқ мевалар, кичик, ихчам ва бежирим идишларга жойланиб, кўпи билан бир килолик, қолаверса, 500 грамм, ҳатто 200, 100 граммлик қилиб тайёрланиши ва бу соҳада малакали сервис хизматини йўлга қўйиш мумкин эмас?!

Тўғри, бу ишлар амалга ошяпти, Ўзбекистон мева-сабзавот, узумсаноат концернида бу борада тадбирлар ишлаб чиқилди, деб айтишлари мумкин. Дарҳақиқат, агар айни кунларда эътибор бераётган бўлсангиз ойнаи жаҳон орқали ана шу концерн йўли билан тайёрланаётган ва чиройли идишларга жойлаб чиқарилаётган мевалар ҳақида эълон беріляпти: сифати яхши, жаҳон бозори талабларига жавоб беради, деб айтиляпти. Харидорлар чақириляпти. Лекин қани ўша қуруқ мевалар? Уларни нархи қанақа? Қолаверса, нега у ўзимизнинг дўконларимиз пештахталарида кўринмайди. Уларнинг сифати ҳақиқатан ҳам яхшими, талабга жавоб берадими: бир вақтлари шу концерн томонидан тайёрланиб, дўконларга кичик-кичик идишларга жойлаб чиқарилган қуруқ меванинг идишига ҳавасим келиб олган эдим. Лекин туршагининг эти данагига ёпишиб кетган, магизини чайнаб маза топа олмаганмиз.

Демоқчимизки, деҳқонга агар чинакамига сервис хизмати кўрсатилганида эди унинг маҳсулоти ниҳоятда харидоргир бўларди, у тош-тарози ҳам ишлатмасди. Ҳозир нима кўп, ҳар хил фирмалар кўп. Уларнинг ўзлари деҳқонларнинг мушкулини осон қилиб қўяқолардилар. Жойнинг ўзида бу маҳсулотларни жон-жон деб кўтарасига харид қилиб олиб, халққа етказиб беришарди. Муҳими деҳқоннинг ноёб ноз неъмати ҳозирги пайтдагидек икки-уч жойдаги бозорларда эмас, тарқоқ ҳолда, ҳамма ҳудудларда, ҳамма ерда сотиларди. Демак, ўз-ўзидан ундан баҳраманд бўлувчилар ҳам кўпаярди.

Булардан хулоса шуки, мевачилик- узумчилик билан шуғулланадиган хўжаликлар, фермерлар модомики, сифатли, қуруқ мева тайёрлашга ихтиёр қилган эканлар, ўз ишлари, фаолиятларини бутунлай янгича қуришлари талаб этилади. Ҳозирги бозор қонунларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас: эътибор берган бўлсангиз, айни кунларда бозорларимизни Эрондан келтирилган хурмолару, хандон писталар босиб кетди, ўзимизда тайёрланган қуруқ мевалардан кўра сифатли ва чаққон кетяпти. Агарда бозор озмойишини менсимасак, ҳадемай четдан келтириладиган магизу туршаклар ҳам кўпайиб кетиб, бизнинг мева-чеваларни бир четга суриб қўйиши ҳеч гап эмас.

Лекин бунга йўл қўйсак, оғзимиздаги ошни олдирган бўламиз.

Шунинг учун ҳам бозорларимизни ўз хусусий томорқаларида етиштираётган ҳосилларидан тайёрланган сархил мевалар билан тўлдираётган миришкор боғбонларимиз меҳнатини эъзозлашимиз, қадрлашимиз керак. Бу кўпчиликнинг, кенг жамоатчиликнинг ишидир. Мутахассисларимиз, илмий-текшириш институтлари маҳсулот етиштириш соҳасидагина эмас балки, уларни тайёрлаш, сақлаш, асраш ва сотишни ташкил этишда ҳам деҳқонларимизнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолаётган бой тажрибалари, аньаналарини ўрганиб, уни оммалаштириш борасида астойдил фаоллик кўрсатадиган пайт келди. Ана шунда бозорларимиз сархил мева-чеваларга яна ҳам бой бўлади. Бугина эмас, деҳқоннинг меҳнати ва пешона тери билан етиштирилган табиий дори-дармонларга бой бу ноз-неъматлар жаҳон бозорига ҳам кенг йўл олади! Деҳқон бойиши учун катта имконият очилади. Деҳқон бойиди дегани бу юртимизда тўқчилик, маъмурчилик учун кафолат деганидир...

...Тасаввур этинг. Эрта тонгда барвақт туриб, юз қўлингизни ювиб, нонуштага ўтирдингиз. Дастурхонда магиз, туршак ва яна бошқа қуруқ мевалар. Улардан зўр иштаҳа билан тоновул қиласиз. Қандай яхши! Кўтаринки кайфият ҳам ўзингизга хамроҳ бўлади. Кўплашиб, кўмаклашиб, яна ана шундай тотли дамларни яқинлаштирсак ҳайрли иш қилган бўламиз.

Носир РИХСИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ҲАЁТ ЎЗИ БИР САҲНА...



Уни ҳеч қачон бир исм билан чақиришмайди. У ким учундир — Ҳафиза, ким учун — Фотима, кимгадир — Сотти. Бирор юмуш билан автобус ёки троллейбусга чиқиб қолса, йўловчилар бир-бирларини секин туртиб, шивирлашади: «Чангак»даги амма-ку!... Тўтихон опа бундай муносабатлардан ҳеч қачон хафа бўлган эмас. Аксинча! Чунки ранг-баранг роллар орқали муҳлислар қалбига кириб бориш ва уларнинг ёдида сақланиб қолиш санъаткор учун юксак бахт.

Яқинда Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида ана шу бахтли актриса — Тўтихон Юсупованинг 60 йиллигига бағишланган юбилей тантанаси бўлиб ўтди. Қадрдон ҳамкасблар, узоқ-яқиндан келган дўст-биродарлар йиғилган бу оқшомда санъаткорнинг истеъдоди, ижодий фаолияти ва инсоний фазилатлари бир-бир тилга олинди ва унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Ана шу тантана арафасида Тўти Юсупова билан суҳбатлашдик.

— Тўти опа, ҳар қандай инсон ёши улғайиб борган сари, ўтмишга — болалиги ўтган унутилмас даврга тез-тез назар ташлайдиган ва умрининг ана шу бегубор фаслидан ўзига хос мазмун ва маъно ахтарадиган бўлиб қолар экан... Сиз бугунги 60 ёш остонасида туриб, болалигингизни қандай эслайсиз?

— Қизиқ савол... Биласизми, менинг ёшлигим уруш даврларига тўғри келган. Лекин табиатан замонннинг мискинлигини қиёфасида зоҳир этадиган қизлардан эмасдим. Ўта шўх-шаддод, ариққа сиғмаган сувдек тўлиб-тошган, ўт-олов қиз бўлганман. Қизиқишим эўрлигидан ҳатто мактабдаям «антиқа усул»да ўқиганман. Эрталаб 3-синфга, тушдан кейин эса 4-синфга ўқишга борардим. Бўш пайтимда далага чиқиб, онамга ёрдамлашсам, кечкурунлари керосин солинган лампа ёруғида бир қийиқчани битирмасдан ухламасдим. Шунданми, бувим мени эркалаб, доим «Тонг юлдузи» деб чақирардилар.

Эсимда, 1941 йилнинг кузи эди. Онам билан бирга дадамни урушга кузатгани вокзалга чиқдик. Ўшанда дадам хайрлашаётиб онамга: «Бу қизимни иложини топиб ўқит, унинг келажагига ишонса бўлади» дедилар. 7-синфни тугатганимдан кейин онам мени Самарқанддаги хотин-қизлар билим юртига ўқишга юбордилар. Худди мана шу жойда театр деб аталмиш мўъжизавий хилқатга ишқим тушиб қолган. Бу ерда илк бор «Бой ила хизматчи» спектаклини кўриб, мен ҳам артист бўлсам-у, Хонзода ролини ўйнасам, деб орзу қилгандим. Шайдолик бора-бора аланга олгувчи бир чўғ бўларкан. Билим юртида зўрға уч йил ўқидим. Бўлмади, ўқишни ташлаб театрга ишга келдим ва у ерда маошсиз ишлай бошладим. Кейинчалик, менга ҳам маош тайинлашди...

— Одатда илк роль санъаткорнинг истеъдодини шакллантирувчи муҳим қадам сифатида баҳоланади. Сизнинг илк ролларингиз қайсилар эди?

— Мен дастлаб «Нурхон»да Нурхоннинг синглиси қиёфасида томошабинлар ҳузурига чиққанман. Томошабиндан кўра ўзим кўпроқ ҳаяжонланганман ўшанда. Кейин «Шоҳи сўзана»да Ҳафиза ролида ўйнадим. Бу ижрони олқишлар билан, меҳр-муҳаббат билан қарши олдилар ва мени анчагача Ҳафиза деб чақирадиган бўлдилар. Ўшанда эндигина ўн олти ёшга киргандим. Кейин, ролга роль, ёшга ёш қўшилиб бораверди. Мана, бир пасда олтмишга ҳам кириб қўйибмиз...

— Опа, киши қанчалик истеъдодли бўлмасин, агар у бировдан ўрганмаса, бировга эргашмаса, ўз йўлини топиб кетиши қийин. Сиз мана шу даражага етишиб, халқимизнинг суюкли санъаткорига айланишингизда кимни устоз деб биласиз?

— Тошхўжа Хўжаевни! У киши 1953 йили Самарқандга борганларида менинг ижодимни кузатиб, кутилмаганда «Қизим, яхши артист бўлишни хоҳлайсизми?» деб сўраб қолдилар. Тошкентга — санъат ўчоғига таклиф қилаётганликларини дарров фаҳмладим. Фикрларидан қайтиб қолмасинлар деб жонҳолатда «ҳа» деб юборганман. Чунки театр менинг бирдан-бир тилагим эди. Аммо боя гапириб берганимдай, ўнинчи синфни ўқимай, театрга кетиб қолганим шу ерда панд берадиганга ўхшаб қолди. Қайтадан дарсликларни ўқиб, бир ой ичида имтихон топширдим ва аттестат олдим. Сўнг Тошкент... Ажойиб устоз Тошхўжа Хўжаев мени тўрт йил да айнан ана шу қаҳрамон бўлиб яшай билмоғи лозим. Ёлғондакам кўз ёши қилиб, залдаги томошабинни ростакамига йиғлатиш... мумкин эмас. Ишонасизми, ҳар гал «Уфқ» спектаклидан сўнг мени саҳнадан суяб олиб чиқиб кетишади. Ҳа, ҳар гал... Жаннат — она образи бутун дарди, изтироби, кечмиши билан мени ўзига ром қилиб қўйган образ. Шунинг учун бу ролни ўзим сўраб олганман.

— Сизни элга танитган, эл меҳрига сазовор қилган роль қайси деб ўйлайсиз?

— 1966 йилда «Ўлимдан кучли»да Она сиймосини яратдим. Элга ҳам, ўзимга ҳам ёқди. Нокамтарлик қилаяпти, деб ўйламанг, чиндан ҳам Она сиймосини яратиш, ўзбек Оналари дардини, орзу-умидларини саҳнага олиб чиқиш менинг ҳамишалик орзуим. Ана шу роль учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини олганман.

— Кўпчилик сизни таниқли санъаткор Икрома Болтаеванинг синглиси бўлса керак, деб ўйлайди. Ташқи қиёфада ҳам, ижодда ҳам ўхшашлик борлиги бизни ҳам қизиқтиради...

— Икрома опа билан қариндошлигим йўқ. У киши билан театрга келгач танишганмиз, 38 йил бирга ишладик. Театрга келсам, Икромонинг ёшлиги келди, дейишарди. Телевидениеда чиқсам, билмай Икрома опани, у киши чиқсалар, телефон қилиб мени табриклашарди...

— Негадир кинода кам кўринасиз...

— Унчалик қизиқмайман. Лекин Зулфиқор Мусоқов режиссёрлик қилган «Абдуллажон» фильмида бир роль ижро этганман. Қаҳрамоним кийимларини ҳам ўзим тикканман. Ҳозир

Эл севган санъаткорлар

бирор ёққа борсам фильмни кўрганлар «Мальчикжон, где твоё мама?» дейишади ҳазиллашиб. Шу миттигина ролим ҳам томошабинлар ёдида қолганидан мамнунман.

Ҳа, айтгандай, «Чангак» спектаклида «Амма» образи бор-ку. Муҳлислар шуни ҳам дурустгина эслаб қолишибди. Бир куни телевидениедан уйгача таксида келадиган бўлиб қолдик. Етиб келгач, ёнимдаги қизлар пул узатишса ҳайдовчи олмади. «Сизнинг пулингизни олмайман, аммада пул кўп, амманикини оламан, табаррук» дейди самимий ҳазил билан. Чиндан ҳам пули кўп бойвуччадай хурсанд бўлиб кетдим...

— Тўтихон опа, санъаткорга ҳеч қачон осон бўлмаган. Гоҳ ижодий сафар, гоҳ кетма-кет саҳнада роль ижро этиш, радио, телевидениеда чиқишлар қилиш... Лекин аёл, у ким бўлишидан қатъий назар, барибир — аёл! У рўзғорга қараши, болалар тарбияси билан шуғулланиши, оила бошлиғининг раъйига қараб иш тутиши лозим бўлади. Буларнинг барчасига сиз қандай улгурасиз?

— Гапларингиз тўғри. Лекин менинг яна бир бахтим шундаки, турмуш ўртоғим Миргиёс Соатов санъатни тушунадиган, санъаткорни қадрлайдиган инсон. У киши билан бир курсда ўқиганмиз. Ҳозир уч нафар фарзандимиз, 6 нафар набирамиз бор. Болаларни оёққа турғазиш учун икkаламиз ҳам меҳнат ва қаноат билан яшадик. Бўш пайтларимда тикувчилик қилдим, бир кунда 4—5 тадан кўйлак тиккан пайтларим ҳам бўларди. Чеварликни ҳозир ҳам ташлаганим йўқ. Худога шукр, фарзандларимиз ҳам ҳунарли, сабр-қаноатли бўлиб улғайишди. Ҳаммалари ўзлари ёқтирган касбларни танлашган.

— Сиз кутган ва биз унутган савол?

— Ўйнолмаган ролингиз қолдими? Агар шундай саволни берсангиз. «Ҳа, ҳали мен ўйнайдиган роллар кўп» деб жавоб берган бўлардим. Ноумид шайтон. Ўзи ёш ўтган сайин саҳнага боғланиб, театрдан узоқлашмасликни ўйлаб қоларкансан киши. Тўғри, қирқ йил давомида юзлаб роллар яратдим, машҳур санъаткорлар билан ёнма-ён ижод қилдим. Аммо мен ҳамиша орзу қиладиган ва ҳамиша муҳаббат билан томошабинга ҳадя этишни истайдиган бир роль бор, у ҳам бўлса — Она сиймоси... мен мустақил юртимиз фарзандлари юрагига Она бўлиб кириб бормоқни, уларни Она бўлиб дуо қилмоқни, яхшилик сари етакламоқни, ёмонликдан, қабоҳатдан асрамоқни истайман. Гарчи, ҳаёт ўзи бир саҳна... Дунё жумбоқларини англамоқ, улардан огоҳ бўлиб турмоқ учун эса актёр керак ҳаётга! Мен ана шу эзгулик учун туғилганман ва умримнинг охиригача халқимга садоқат билан хизмат қиламан.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур. Ёруғ ниятларингиз ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

Феруза АБДУРАҲМОНОВА, Зарифа ЭРАЛИЕВА.

Футбол

ИМКОНИЯТ ВА ОМАД

ФУТБОЛДА, айниқса, пешқадамлар ўртасидаги муросасиз учрашувларда шундай дақиқалар бўладики, уни бир маслакдаги етук мутахассислар ҳар хил шарҳлайдилар. «Дўстлик» — «Нефтчи» учрашувида иштирокчилар ва ҳакамлар ҳужжати тўлдирилаётганда мазкур ўйинга назоратчи ҳакам бўлган Борис Белозёровдан ўйиндан сўнг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни илтимос қилганимда у рад жавобини берди. Бунинг боисини кейин тушундим. Агар рози бўлган тақдирда ҳам, бундай ўйиндан сўнг ваъдасидан қайтган бўларди.

Бир кун аввал Ўзбекистон Футбол Федерациясида «Дўстлик» жамоаси раҳбарлари Рустам Мирсодиқов ва Маҳмуд Раҳимовлар билан қисқа мулоқотда бўлганимда ҳар иккаласи жамоа олдида жуда муҳим учрашувлар турганлигини, мусобақалар тақвимининг нохолислигидан эътироз билдирган эдилар. Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай жамоа бирин-кетин — «Нефтчи», «Навбаҳор», «Пахтакор» сингари клублар билан ўйнаш мушкул эканлигини тан олган бўларди.

Ўйингоҳга 7 мингга яқин томошабин тўпланди. Тумандаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалиги раиси Абдумажид Машаховбов эски таниш бўлганлиги учун суҳбатимиз дарҳол қовушиб кетди. У футболимизнинг нуфузи ортиб бораётганлиги, туманда болалар ва ўсмирлар ўртасида бу спорт тури тобора оммавийлашаётганлигини хурсанд бўлиб таъкидлади. «Дўстлик» клубини эса хўжалик аъзолари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганлиги ҳақида гапирди.

Ўзи эса «Дўстлик»нинг ҳар бир ўйинини канда қилмай томоша қилаётганлигини айтди.

Учрашув бошлангач, беш-олти дақиқа ўтгандан сўнг ўнг томонимдаги кўҳликкина, ўн саккиз — ўн тўққиз ёшлар чамасидаги қиз тез-тез «Дўстлик», «Дўстлик» деб қичқирар, хавфли вазиятларда ўрнидан туриб кетар, футболчиларимиз ҳужумини тез-тез олқишларди. Унинг бунчалик футбол фидойиси эканлиги менга мақбул бўлиб, суҳбатга тортдим.

— Жуда зўр ишқибоз экансиз-ку!

— Футболчининг хотини бўлганимдан кейин...

У ўзини таништирди. Ирина Шоймардонова, Рустамга турмушга чиққанига бир йил бўляпти.

— Бошқа футболчиларнинг аёллари ҳам сиз каби ўйингоҳга келиб туришадими?

— Ҳали бошқалар билан танишиб улгурганимча йўқ.

Энди 20 ёшга тўлган марказий ҳимоячи Рустам Шоймардонов ўтган мавсум «Чилонзор» жамоасида тўп сурган. Бу йил «Дўстлик» сафида ўйнаш истагини билдирди.

...Учрашувнинг 17 дақиқасида майдон эгалари ўйин қоидасини бузишди. Сергей Лебедевнинг тепган тўпи Рустам бошига тегиб дарвозага кирди. Муҳлислар кайфияти бузилди. Беихтиёр Иринага қарадим. Ҳозиргина қувноқ кайфиятда бўлган Ирина бошқалардан кўпроқ куюнаётганлиги сезилиб турарди.

Бу тўпдан сўнг «Дўстлик» ҳужумчилари янада фаолроқ ҳаракат қила бошладилар. Рустам Шоймардонов бошқа ҳимоячилар қатори тез-тез олдинга ўтиб, ҳужумчиларни тўп билан таъминлаб турди. Меҳмонлар ўз жарима майдонларида қоидани бузишди. Бухоролик ҳакам Наил Лутфуллин 11 метрлик жарима белгилади. Фарид Хабибуллин ҳисобни 1:1 қилди. Танаффусга меҳмонлар қўллари баланд ҳолда чиқишди. 43-дақиқада эса С. Лебедевнинг кучли зарбасини ҳеч ким қайтариб қололмади.

Иккинчи бўлимнинг 7 минутида майдон эгалари 11 метрлик жарима тўпини киритиб, ҳисобни тенглаштирдилар. Ҳакамнинг бу қарорига меҳмонлар жиддий эътироз билдирдилар. Ана шундай вазиятда ўзини ,тута билмаган Шуҳрат Шамсиев эса огоҳлантириш олди. Унгача қўполлик учун Рустам Дўрмонов огоҳлантирилганди.

Учрашувнинг сўнгги 15 дақиқаси мезбонларнинг тўла устунлиғида ўтди. Улар уч бор жуда қулай вазиятлардан фойдалана олмадилар. Аввало, Жафар Иирисметов боши билан дарвоза бурчагига йўллаган тўпини Георгий Забиров катта қийинчилик билан қайтариб қолди. Сўнгра Владимир Галянов имкониятни бой берди. Аваз Хошимов ҳам тўп киритиши мумкин эди. Бу дақиқаларда омад мезбонлардан юз ўгирди. Кескин ва муросасиз ўтган ўйин 2:2 ҳисобида тугади.

Меҳмонлар ҳакамлар харакатидан норози бўлиб, Ўзбекистон футбол федерациясига раддия ёзишди. Бу турда яна бир раддия ёзилди. Сафарда «Наврўз» билан ўйнаган «Янгиер» ҳам ҳакамлар ҳаракатига норозилик билдирди. Ўзбекистон футбол федерацияси спорт техника ҳайъати бу икки учрашув ҳақида ўз муносабатини билдиради, албатта.

Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Навбаҳор» Урганчнинг «Динамо» клубини 2:0 ҳисобида енгди. «Динамо» (Самарқанд) — «Трактор» — 0:1, «Наврўз» — «Янгиер» — 3:1, «Суғдиёна» — МҲСК — 1:4, АСК — «Машъал» — 0:0, «Пахтакор» — «Нурафшон» — 0:1, «Қосонсой» — «Атласчи» — 3:2.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси.

«Бўкалик» «Газалкент»ни ютди

Мамлакат биринчилиги биринчи табақаси иштирокчилари ўртасида бўлиб ўтган навбатдаги турда олти учрашув бир хил — 1:0 ҳисобида тугади. «Бўкалик» ўз майдонида «Газалкент» жамоасини қабул қилиб ана шу ҳисобда устун келди. Энг йирик ҳисоб «Тўқимачи» — «Насаф» жамоалари ўртасида бўлди: 6:1. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Темирйўлчи» — «Боғдод» — 3:1, «Зарафшон» — «Зафар» — 2:0, «Прогресс» — «Гулистон» — 2:1, «Диёр» — «Хисор» — 6:5, «Чилонзор» — «Рохат» — 1:0, «Истиқлол» — «Кимёгар» — 1:0, «Олтинкўл» — «Тегирмончи» — 1:0, «Шаҳрихон» — «Шўртон» — 1:0, «Ситора» — «Навбахор—2» — 2:1, «Орол» — «Ёшлик» — 1:0, «Гиламчи» — «Норин» — 3:1.

Сўнгги қўнғироқ

«ҲАМОН ЭРКАТОЙСИЗ, ҲАМОН АРДОҚДА...»

Зангиота туманидаги Зулфия Зокирова номли 25-мактабда сўнгги қўнғироқни бундан 40 йил муқаддам ушбу билим даргоҳини битирган ўқувчилар ёш—жажжи талабалар билан биргаликда чалишди



...ОРҚАЛАРИГА сумкачаларини илиб олган болажонлар, сочларига турфа попукчалар боғлаган қизчалар ийманиб-ийманиб, мактаб ҳовлисига кириб келишди. Гарчанд улар «Мактаб», «Ўқитувчи» деган калималарни эшитган бўлсалар-да, бугун умрларида илк бор ҳашаматли ўқув масканини, чеҳраларидан нур ёғилиб турган ўқитувчиларини биринчи бор кўриб туришарди. Ҳаёт олдинда... Имтиҳонлар олдинда... Яхши кунлар олдинда... Хайрли меҳнат олдинда... Қатор туриб, биринчи қўнғироқни тинглашган мурғак қалблар қирқ йилдан сўнг яна мана шу муқаддас даргоҳга келиб сўнгги қўнғироқ чалиш бахтига муяссар бўламиз, деб, балким, ўйлашмаган бўлса керак.

...Ҳа, орадан қирқ йил кечди. Қирқ йил муқаддам бир синфда ўтирган Рихсивой, Ҳакима, Зоҳида, Соҳиба, Ҳамдам, Сайдаҳмад, Ғулом, Рўзивой, Набижонларни бугун таниш қийин. Чеҳраларда йиллар излари. Манглайларда ҳаёт нуқраси. Кўзларида ажиб жилолар. Тилларда ажиб оҳанглар. Лабларда масрур, имдодли табассумлар...

Куни кеча Зангиота туманидаги Зулфия Зокирова номли мактабда навбатдаги ўқув йилининг тугашига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Бу йиғин ўша куни катта байрамга айланди. Чунки, айни машваратга бундан қирқ йил бурун мазкур ўқув даргоҳини битирган, эндиликда отахон, онахон бўлиб қолган собиқ ўқувчилар ҳам таклиф қилинган эдилар.

Сўнгги қўнғироқ жиринглаши билан ҳамон мактабда устозлик қилишни давом эттираётган фахрий ўқитувчилар, уларнинг изларидан бораётган муаллим ва муаллималар бир-бирларининг оғушларига отилдилар. Кўзларда қувонч ёшлари жилғаланди... Собиқ ўқувчилар ва устозлар бир-бирига маънилик бир сўз айтишдан ожиз эдилар... Дарвоқе, меҳр фаввораси отилган бундай сонияларда сўзнинг кераги бўлмайди...

Қирқ йил муқаддам бўлгани каби уларнинг атрофини тўлдириб, биринчи синф ўқувчилари ва каттароқ ёшдаги талабалар туришарди. Улар қирқ йил бурун ўзлари каби ушбу даргоҳда билим олган отахон ва онахонларга ҳавас билан боқар эдилар. Ушбу дақиқаларда уларнинг қалбларида ҳам мана шундай эзгу кунларга етиш нияти туғилган бўлса, не ажаб!..

Сўнгги қўнғироқ овози тинди. Рихсивой Муҳаммаджонов, Салоҳиддин Муҳиддинов, Мавжуда Аскарова, Сора Эшонхонова, Турғун Мамажонов, Дўстам Рустамов, Наби Алиев, Мақсад Ўсаров, Маъмур Мирсодиқов, Тўлаган Тўрабоев каби ўттиздан зиёд собиқ талабалар ўзлари бундан қирқ йил муқаддам биринчида ўқиган синфларига — «А», «Б», «В» ҳарфларини ўрганган хонага аллақандай ҳисхаяжонда кирдилар.

Синфга Аҳад Алиев, Ноил Абдуллин, Абдулла Мутолиев, Ғуломназар Имомназаров, Муҳайё Имомназарова, Аловиддин домла, Насибахон опа каби устозлар ташриф буюришади. Яна бағрга босишлар, муборак чеҳралардаги ҳаяжонлар давом этади.


— Мен учун ҳозир жуда гапириш қийин кечяпти, — деди Муҳайё опа. — Чунки, бугунгига ўхшаш онларни Оллоҳ ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бугунги кунга кўпгина устозларимиз етиб келишмади. Лекин, уларнинг номи абадий қалбимизда.

... Сизларга қараб туриб, ҳозирги ўқувчиларимиз, ўзимизнинг фарзандларимиз кўз ўнгимда намоён бўлмоқда. Биз сизларни худди ўша пайтлардагидек севамиз, ҳурмат қиламиз. Ҳаммангизни бағримга босаман. Зеро, ҳамон эркатойсиз, ҳамон ардоқдасиз...

Мактабда устозларнинг ҳамда собиқ ўқувчиларнинг учрашуви алламаҳалгача давом этди. Бир пиёла чой устида ажиб суҳбатлар бўлди. Чунки, устозлар эзгуликка; собиқ ўқувчиларнинг босиб ўтган йўллари тилга олишга арзигулик эди.

Ф. ФАТТОҲОВ.
СУРАТЛАРДА: мактабдаги тантаналардан лавҳалар.
Даврон АҲМАД олган суратлар.







ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ

Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан Тошкент вилояти Давлат мулк қўмитаси, Тошкент вилоят Кўчмас мулк биржаси Чирчиқ шаҳрининг энг нуфузли марказида жойлашган савдо шаҳобчаларини қуриш учун ер майдонларини ким ошди савдосига қўяди. Савдо 12 июнь 1996 йил соат 10.00 да Чирчиқ шаҳрида бўлади.

савдога қўйилган ер майдонлари сони	сатҳи, квадрат метр	Бошланғич нархи, сўм
21	24м² дан 90м² гача	840 сўмдан 10764 сўмгача

Чирчиқ шаҳри бўйича ҳамма шароитлари мавжуд бўлган жойлардан уй-жой қуриш ва доимий эгалик қилиш учун ер майдонларини ким ошди савдосига қўяди.

Савдога қўйилган ер майдонлари сони	сатҳи квадрат метр	Бошланғич нархи, сўм
4	600	71760

Оҳангарон шаҳрида савдога қўйилган иншоотлар ва автотранспорт

Савдога қўйилган иншоотлар номи	Бошланғич нархи, сўм
1. Оҳангарон, 2-мавзе, 7-уй, 10-дўкон	38000
2. 1-микрорайон, 44-уйда жойлашган фойдаланилаётган хона	32.000
3. Хонобод кўчаси, 54-уйда жойлашган касаба қўмитаси тадбиркорлари хонаси	25.000
4. МАЗ-500А (47—01 ТШС) МСПМК —264	79.150

Тошкент шаҳридаги 249-ўрта мактаб томонидан 1989 — 1990 ўқув йилида Алишер Исахўжаевич Набихўжаевга берилган V— № 5857193 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0245. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 10060нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6